ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

Maxsus son, № 2, 2020

www.psixologiyabuxdu.uz





The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency

***

According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.

***

Address:

200100, Bukhara city,
K.Murtazoyev street, 16
Bukhara State University
Department of Psychology
Phone: 0(365) 221-29-73

The journal is published 4 times a year

Website: www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
psixologiya_jurnali@umail.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011- yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

***

Jurnal O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo`yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo`lgan ilmiy jurnallar ro`yxatiga kiritilgan.

***

Tahririyat manzili:

200100, Buxoro shahri,
K.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy
Buxoro davlat universiteti
Psixologiya kafedrasi
Tel: 0(365) 221-29-73

Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.

Website:
www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
psixologiya_jurnali@umail.uz

Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.

***

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.

***

Адрес:

город Бухара 200100,
улица М.Икбола, 11
Бухарский государственный университет
кафедра Психологии
тел: 0(365) 221-29-73

Журнал выходит 4 раза в год.

Website:
www.psixologiyabuxdu.uz
E-mail:
psixologiya_jurnali@umail.uz



омилларини аниқлаб, уларни қисқа мудатда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишимиз лозимлигини кўрсатади.

Тасвирий санъат асарларини идрок ва тасаввур қилишда кўпчилик кўрмаган, аниқроғи кўра олмайдиган жиҳатларни, улар орасидаги ўзаро муносабатларни кўра билиш, аниқлаш, уни оригинал талқин этиш нафақат асар муаллифининг катта истеъдод соҳиби эканлигини, балки шундай таҳлилий идрок этаётган шахснинг интеллектуал савиясини, тафаккур қилиш ва тасаввур хаёлида катта салоҳият, имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.,2002
2. Давалетшин М.Г. Умумий психология. – Т., ТошДПУ, 2002.
3. Б.Н. Орипов “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” “ИЛМ ЗИЁ” ТОШКЕНТ-2013
4. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш. – Т., 1986
5. Ҳасанонов Р. Тасвирий санъат. (1-7 синфлар дастури). – Т., 1995.
6. Б.Н. Орипов “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” 5- нашр “ИЛМ ЗИЁ” Тошкент-2016.
7. Б.Н. Орипов “Тасвирий методикаси” 6- нашр“ИЛМ ЗИЁ” – Тошкент-2017.
8. Ерков С.А. Формирование художественного восприятия произведений изобразительного искусства на уроках ИЗО в 5,6 классах средней общеобразовательной школы. Автореф.дис.канд.пед.наук, – Москва 2006 г., – С. 24-30.
9. Выготский Л.С. Психология искусства. – М.: Педагогика, 1987. – 342 с.
10. Кузин В.С., Психология живописи. Учебное пособие для вузов. – М.,ОНИКС, “XXI век”, 2005, – 304 с.



Ёқубова Дилафрўз Миржабборовна,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Аннотация: *Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланишни тадқиқ этишдир муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу тадқиқот ишининг мақсади, мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланишни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишдан иборат.*

Калит сўзлар: *тафаккур,метод, тажриба, ташхис, тадқиқот, ўйин, тренинг суҳбат, кузатиш, методи*

Abstract: *Investigating the use of mental games is important in fostering early childhood thinking. With this in mind, the purpose of this study is to explore theoretical and practical application of mental games in the development of preschoolers' thinking.*

Key words: *thinking, method, experience, diagnosis, research, play, training conversation, observation, method.*

Аннотация: *Изучение умственных игр важно для развития мышления детей раннего возраста. Имея это в виду, цель данного исследования заключается в изучении теоретического и практического применения психических игр в развитии мышления дошкольников.*

Ключевые слова: *мышление, метод, опыт, диагностика, исследование, игра, обучающая беседа, наблюдение, метод.*

Мавзунинг долзарблиги: Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқ таълими тизими фаолиятини меъёрлаштирувчи "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси

тўғрисида Низом" каби муҳим давлат ҳужжатлари қабул килинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддаси орқали фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида ота-оналаршшг ўрни ва жавобгарлиги оширилди. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида кўрсатилишича бугунги мактаб боладан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик килиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам қўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда тахдил этипш ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади. Шундай экан мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини ўстириш, фикр юритиш жараёнларини шақллантириш ва шу йўл билан мактабгача ёшдаги болалар онгига яратувчанликни сингдириш ота-она, тарбиячи ва педагогларнинг муҳим вазифасидир. Ана шундай маъсулиятли вазифа ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари зиммасига юклатилган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккури шақлланиши муаммолари педагог ва психологлар томонидан атрофлича талқин этилган бўлсада, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш масалалари назарий ва амалий изланишларга зарурият сезади. Мактабгача ёшидаги болаларнинг тафаккури анча ривожланган бўлсада, ҳали импульсивлиги, ихтиёрсиз ва беқарорлиги билан ажралиб туради. Аммо, мазкур хусусиятлар болалар тафаккуридаги янги жиҳатларнинг шақлланиши учун, педагогик-психологик таъсир кўрсатиш учун имконият ҳамдир. Шу туфайли улар болалар билан мактабгача таълим муассасасида олиб бориладиган таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнида, айниқса, ижтимоий муносабатларнинг таъсири натижасида ихтиёрий фикр юритиш жараёнларининг шақлланишига сабаб бўлади. Лекин бу имконият доимо қулай таълим – тарбиявий шароитни, вазиятларни талаб қилади. Мактабгача ёшидаги болалар ўзининг тафаккури туфайли ўз аждодлари томонидан яратилган ижтимоий тажрибани фаол ва онгли равишда ўзлаштиради, атроф-муҳитдаги нарсалар ва ҳодисалар билан мулоқотга киришади. Бу болада фаолият майлларининг ривожланиши ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар, тил бойликлари, болалар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, қобилиятларнинг ўсишида намоён бўлади. Бу жараёнда уларга оила аъзолари ва тарбиячилар яқиндан ёрдам берадилар. Айниқса, мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беради. Мактабгача ёшдаги болаларда турли соҳага доир саволларнинг туғилиши уларда тафаккур жараёнларининг фаоллашаётганлигидан дарак беради. Болалар саволларига ўз вақтида жавоб топа олмасликлари ёки катталарнинг саволига аҳамият бермасликлари туфайли тафаккури ривожланиши ўрнига сўна бошлайди. Мактабгача ёшдаги болаларда тафаккур жараёни бирор нарсадан таажжубланиши, ҳайратланиши натижасида турли саволларнинг туғилиши туфайли ҳосил бўлади. Кўпгина ота-оналар ва айрим тарбиячилар болалар ортиқча савол бериб юборсалар, «кўп маҳмадона бўлма», «сен бундай гапларни қаердан ўргандинг», деб койиб берадилар. Натижада бола ўксинади ва саволларига ўзи жавоб топишга ҳаракат қилади. Айрим тортинчоқ болалар эса мутлақо савол бермайдилар. Бундай болалар билан иш олиб боришда тафаккур жараёнлари шақлланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. машғулотлар ва саёҳатлар даврида тарбиячилар турли савол бериб, уларни фаоллаштиришлари лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини шақллантиришда қорида келтирилган омилларни ҳисобга олиш зарурлиги туфайли Илмий мақолаимизни “Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланиш” деб номладик ва тадқиқ этишни лозим топдик.

Методика: Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстиришда ақлий ўйинлардан фойдаланиш. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ва тарбияланувчилари.

Илмий мақолада қўлланилган методлари:

1. Кузатиш методи ёрдамида тажриба синфидаги болалар тафаккурини ўстиришга йўналтирилган машғулотларда фикр юритиш жараёнларининг шақлланиши тўғрисида маълумот тўплаш.

2. Суҳбат орқали мактабгача ёшдаги болаларда фикр юритиш жараёнларини шақллантиришга йўналтирилган машғулотларининг тафаккурининг ўсишига таъсирини ўрганиш.

3. Ўйин ва тренинг усулларини қўллаб мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстириш бўйича синов-тажриба ишларини олиб бориш ва таҳлил қилиш.



Кузатиш методи ёрдамида тажриба синфидаги болалар тафаккурини ўстиришга йўналтирилган машғулотларда фикр юритиш жараёнларининг шаклланиши тўғрисида маълумот олишга ҳаракат қилдик. Кузатишларимизга кўра болаларнинг тафаккури содда кўринишга эга бўлсада, уларнинг ёшига хос бўлиб, уларнинг кўпчилигида тафаккур жараёнлари яхши шаклланганлигидан далолат беради. 20 нафар боладан 5 нафарининг тафаккури ва нутқи бошқаларига нисбатан анча паст эканлиги кузатилди. Тадқиқот синфидаги болалар билан олиб борилган суҳбат орқали мактабгачагача ёшдаги болаларда фикр юритиш жараёнларини шақллантиришга йўналтирилган машғулотларининг тафаккурининг ўсишига таъсирини ўргандик. Болалар билан суҳбатни ассосий тажрибани ўтказганимиздан сўнг ташкил этдик. Болалар билан суҳбат индивидуал тарзда олиб борилди. Суҳбат жараёнида асосан болалар фикрларининг нутқида ифодалай олиши кузатилди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини ўстириш бўйича режалаштирган ишларимизни амалга оширишдан «Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини ўрганиш методикаси» номли усул ёрдамида болаларнинг ёшига нисбатан тафаккури ривожланганлиги даражасини аниқлаб олдик. Психологик ва педагогик ташхис жараёнига жами 20 нафар бола жалб этилди ва қуйидаги натижа олинди: Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини ўрганиш методикаси болаларга қуйидаги саволлар берилиб, жавоблар олинди. Саволлар. 1. От каттами ёки итми? (от) 2. Эрталаб нонушта қиламиз, пешиндачи? (тушлик) 3. Кундузи ёруғ, кечаси-чи? (қоронғу) 4. Осмон ҳаво рангда, ўтлар – чи? (яшил) 5. Гилос, нок, олма, олхўри – булар нима? (мева) 6. Нима учун ҳали поезд ўтмасдан шлагбаум туширилади? (машиналарни тўхтатиб туриш учун) 7. Тошкент, Самарқанд, Бухоро – булар нима? (шаҳар) 8. Соат неча бўлди? (болага соат кўрсатилади?) 9. Сигирнинг боласи бузоқ, итнинг боласи кучукча, қўйнинг боласи-чи? (қўзичоқ) 10. Ит кўпроқ товуққа ўхшайдими ёки мушукками? (мушукка) 11. Нима учун автомобилларда тормоз бор? (машинани секинлаштириш маъносидаги ҳар қандай жавоб тўғри бўлади) 12. Болға билан болта нимаси билан бир-бирига ўхшайди? (ўхшаш вазифаларини бажарувчи асбоблар мазмунидаги ҳар қандай жавоб тўғри) 13. Олмахон билан мушук нимасига кўра ўхшайди? (камида иккита ўхшаш белги санаб ўтилиши керак) 14. Мих билан винтнинг нима фарқи бор? (михнинг усти текис, винт ғадир – будур, мих болға билан қоқилади, винт бураб киритилади)

15. Футбол, тенис, сузиш – булар нима? (спорт, физкультура) 16. Қандай транспорт турларини биласан? (камида иккита ҳар хил транспорт санаб ўтилиши керак) 17. Қари одам ёшдан нима билан фарқланади? (камида иккита муҳим фарқли белги санаб ўтилиши керак) 18. Одамлар нима учун спорт билан шуғулланади? (соғлом бўлиш учун, бақувват бўлиш учун, кучли бўлиш учун, ғалаба қозониш учун, чемпион бўлиш учун) 19. Одамлар ишламаса нима бўлиши мумкин? (нарсалар ярата олмайдилар, нарсалар сотиб ололмайдилар, қийналиб яшайдилар каби жавоблар) 20. Одамни нима учун қамаб қўядилар? (ёмон иш қилгани учун мазмунидаги ҳар қандай жавоб, бошқаларга зарар етказмаслиги учун, деган жавоб тўғри).

Жадвал № 1.

№	Синалувчи болалар	Методика саволларига берилган тўғри жавоблар сони	Тўплаган балл	Тафаккури даражаси
1.	Ахроров Комил	18	9	Юқори даража
2.	Аминова Зулайҳо	15	7	Ўрта даража
3.	Бобиев Амир	15	7	Ўрта даража
4.	Даминов Азиз	18	9	Юқори даража
5.	Дониёров Нуриддин	12	6	Ўрта даража
6.	Норов Амир	15	7	Ўрта даража
7.	Мамурова Ҳабиба	12	6	Ўрта даража
8.	Худойқулова Хафиза	20	10	Жуда юқори даража
9.	Муртазоева Нодира	25	7	Ўрта даража
10.	Мўминова Олима	12	6	Ўрта даража



11.	Насриева Амина	18	9	Юқори даража
12.	Норова Жамила	16	8	Юқори даража
13.	Олимова Ферангиз	16	8	Юқори даража
14.	Оллобердиева Фотима	12	6	Ўрта даража
15.	Толибова Хафиза	12	6	Ўрта даража
16.	Юсупова Матлуба	15	7	Ўрта даража
17.	Шомуродов Ойбек	15	7	Ўрта даража
18.	Қобилов Шавкат	18	9	Юқори даража
19.	Якубов Комил	20	10	Жуда юқори даража
20.	Пирназаров Азиз	15	7	Ўрта даража

Тест натижаларига кўра болаларнинг жавобларини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижани олдик: 1. 10 балл – жуда юқори даражада 2 нафар бўлиб, жами болаларнинг 10% ни ташкил этди. 2. 8 – 9 балл – юқори даража 5 нафар болалар жами 25% ни ташкил этди. 3. 4 – 7 балл – ўрта даража 8 нафар болалар жами 40% ни ташкил эди. 4. 3-2 балл –паст даража 5 нафар болалар жами 25% ни ташкил этди.

Тажриба якунида эса болаларнинг тафаккурини ўстириш жараёнини давр талаблари асосида таъминлаш учун муайян технологик тизим асосида ўтказган тажриба-синов натижалари тажриба-синов қуйидагича кўринишни олди.

Тажриба охирида болалар билимларни ўзлаштириш кўрсаткичлари


Синфлар	Ўқувчилар сони	Билимларни ўзлаштириш даражаси		
		юқори	ўртача	қуйи
Тажриба	264	89	135	**40**
назорат	**257**	**67**	**82**	**108**

Ушбу маълумотларни математик - статистик таҳлил қилишучун Стьюдент-Фишер методитанланди.

Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2 – танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторга эга бўламиз.

1 –танланмаX_i: юқори; ўрта; паст;
(тажриба синфи) m_i: 89; 135; 40;
m=264
2 – танланма Y_i: юқори; ўрта; паст;
(назорат синфи) n_i: 67; 82; 108.
n=257

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:





Хулоса: Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий максад ва вазифалари болаларни жисмоний ва аклий жихатдан ривожлантириш, уларнинг рухият, шахсий кобилиятлари, интилиш ва эхтиёжларини кондириш, миллий ва умуминсоний кадриятларга, мустакиллик гояларига содик холда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълимтарбиясига куйилган давлат талабларига мувофик мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш жараёни олдига куйилган максад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган таянч дастури асосида амалга оширилади. Ҳозирги кунда халқимиз олдига ҳар томонлама гармоник ривожланган кишини тарбиялашдек муҳим вазифани қўйди. Мустақил давлат қурувчиси ақлий жиҳатдан етук бўлиши лозим, бу эса киши тафаккурини юксак даражада ўсган бўлишини талаб этади. Ақлий тарбия эса маълумки, боланинг жуда ёшлигидан, яъни мактабгача ёшдаги давридан бошлаб ривожлантириб борилади. Шунинг учун ҳам бу даврда болани ақлий жихатдан ўстиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Боланинг ақлий жихатдан ўсишида турли хил таълимий ўйин ва машғулотларнинг роли катта. Ўйин – доимо хаётни акс эттиради. Ўйин ўзининг келиб чикишига кўра, йўналиш ва мазмунига кўра ижтимоий вокелик хисобланади. Ўйин жараёнида боланинг психик билиш жараёни, иродаси, хиссиёти, эхтиёжи, қизиқишлари, таъсирчанлиги – унинг бутун шахсияти шаклланади. Бола ўйинда амалий эхтиёжларга карам бўлмайди. Бунда у ўзининг бевосита эхтиёжи ва қизиқишларидан келиб чикади. Болаларнинг ўйинлари ўзининг рангбаранглиги билан ажралиб туради. Ўйинда шахсдаги мавжуд барча жихатлар ишга тушади: бола харакат қилади, гапиради, идрок этади, ўйлайди; ўйин жараёнида болани ҳаёлоти, хотираси фаол ишлайди, таъсирчанлик ва ирода сифатлари намоён бўлади. Ўйин тарбиянинг мухим воситаси сифатида намоён бўлади. Болалар атрофларидаги катталар учунгина мансуб бўлган, хали ўзларининг кучлари ҳам, ақллари ҳам етмайдиган жуда кўп нарсаларни фақат ўйин фаолияти орқали ўзлаштирадилар. Ўйин орқали улар воқеликдаги нарса ва ходисаларни билиб оладилар. Ўйин фаолиятида болаларда ҳаракатнинг янги кўриниши, яъни унинг фикрий, ақлий жиҳати намоён бўлади ва шунинг учун ўйин ҳаракатларини шакллантириш жараёнида болада фикрлаш фаолиятининг дастлабки кўриниши вужудга келади. Боланинг ақлий камол топишида ёки унинг умумий камолотида ўйиннинг муҳим аҳамият касб этиши худди мана шу далил орқали ўз ифодасини топади. Мактабгача катта ёшдаги боланинг ақлий ўсиши ҳақида фикр юритилганда, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нарсаларни янги ном билан аташда ёки янгача номлаш ҳолатидан келиб чиқиб, субъект ўйин пайтида фаол ҳаракат қилишга уринади. Чунки у моддий нарсаларга асосланган ҳаракат режасидан тасаввур қилинаётган, фикр юритилаётган жисмлар моҳиятини акс эттирувчи ҳаракат режасига ўтади. Бола жисмларнинг моддий шаклидан бирданига ҳаёлий кўринишига ўтишида унга таянч нуқтаси бўлиши керак, ваҳоланки шундай таянч нуқтаси вазифасини ўтовчи нарсаларнинг аксариятидан ўйинда бевосита, объект сифатида фойдаланилади. Ўйин фаолиятида мазкур жисмлар қандайдир аломатларни акс эттирувчи сифатида эмас, балки ана шу таянч нарсалар тўғрисида фикрлаш учун хизмат қилади, шунингдек, таянч нуқтаси ҳаракатнинг яққол нарса билан боғлиқ жиҳатини акс эттиради. Боланинг ақлий ўсиши ҳақида фикр юритилганда, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, нарсаларни янги ном билан аташда ёки янгича номлаш ҳолатидан келиб чиқиб, субъект ўйин пайтида фаол ҳаракат қилишга уринади. Чунки у моддий нарсаларга асосланган ҳаракат режасидан тасаввур қилинаётган, фикр юритилаётган жисмлар моҳиятини акс эттирувчи ҳаракат режасига ўтади. Ўйин бола хаётининг узвий қисмидир. Ўйин орқали бола билим ва маълумот олади, ақлий жиҳатдан ривожланади. Атрофдаги муҳит билан, табиат ходисалари, манзаралари, буюмлар, қуш ва ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси билан танишади. Инсон фаолияти, меҳнати, турмушидан бохабар бўлади. Юқорида айтилганидек, нарса билан ўйин ҳаракатларининг такомииллашуви ҳаракат шакли хусусияти, босқичи кабиларни қисқартириш ва умумлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Ўйин ҳаракатларининг қисқариши ва умумлашуви уларнинг ақлий кўринишидаги мантақан изчил, йиғиқ шаклга ўтишнинг асосини ташкил қилади. Ақлий тарбиянинг асосий воситалардан бири дидактик ўйин ҳисобланади. Унда бола атроф-муҳитга воқеа ва ҳодисаларни акс эттириб хаёлан уларни қайта тиклайди. Дидактик ўйинлар ҳам боланинг ақлий жихатдан ўсишига ёрдам беради. Дидактик ўйинлар орқали болаларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади ва болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ маданияти, ақлий қобилиятлари такомиллашади. Хулоса қилиб айтганда, катта ёшдаги болалар тараққиётида ақлий тарбиянинг роли айниқса каттадир. Чунки ақл ҳис - туйғулар ва идрок этишдан тортиб, фикрлаш ва тасаввур

этишгача бўлган жараёнлар йиғиндисидир. Бола ўйин фаолиятида ақлий жиҳатдан шаклланиб боради, шу боисдан, унда ақлий ҳаракатларнинг яққол шакллари таркиб топа бошлайди.

Адабиётлар:

1. Зеер Э.Ф. Психология профессий. Екатеринбург, 1999. – 184 с.
2. Климов Е.А. Психология профессионалъного самоопределения. Ростов. Н.Д., 1996.-382 с.
3. Кондаков И.М., Сухарев А.В. Методологические основания зарубежных теорий профессиональной развития//Вопросы психологии. 1989. №5. – С. 157-164
4. Кудрявцев Т.В. Исследование психологических особенностей профессионального становления. – М., 1988. – 145 с.



Исакова Муаззам Тўлқиновна
психология фанлари номзоди, доцент

ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ШАХС РУХИЙ САЛОМАТЛИГИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация: *Эътиқод, луғавий мазмунига кўра, қатъий ишонч демак. Диний мазмунда у асосан имонни, имон талабларига, дин фарзлари ва аҳкомларига оғишмай амал қилишни англатади. Эътиқод қатъий ишончга айланган, инсон дунёқарашининг тамал тошини ҳосил қилувчи билимлардир. Мақолада дин ва диний эътиқоднинг шахс руҳий саломатлигига таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган ҳамда бу борада ўтказилган тажрибалар натижалари асослаб берилган.*

Калит сўзлар*: Саломатлик, руҳий саломатлик, дин, эътиқод, диний эътиқод, омил, дунёқараш.*

Аннотация*: Вера согласно лексическому значению, означает твердую уверенность. В контексте религии речь идет главным образом о соблюдении веры, соблюдении религиозных обязанностей и традиций. Убеждение, ставшее т0432ердой верой, является твердым каменным знанием человеческого мировоззрения. В статье рассматривается влияние религий и религиозных убеждений на психическое здоровье личности, также обоснованы результаты эмпирического исследования по этой проблеме.*

Ключевые слова*: Здоровье, психическое здоровье, религия, вера, религиозное верование, фактор, мировоззрение.*

Abstract003A *Belief, according to the lexical meaning, means firm confidence. In the context of religion, it is mainly about the observance of faith, the observance of religious duties and traditions. A belief that has become a firm faith is a solid stone knowledge of the human worldview. The article examines the influence of religions and religious beliefs on the mental person’s mental health and also substantiates the results of empirical research on this problem.*

Key words: *health, mental health, religion, belief, religious belief, factor, horizon.*

Фанлар тизимида интенсив технологиялардан гуманитар соҳага ҳам қизиқишнинг кучайиши кузатилмоқда. Психология гуманитар фанлардан бири сифатида бугунги кунда фанлар тизимида мустаҳкам ўринни эгаллаб келмоқда. Бунинг сабаблари психологиянинг илмий “дунёқараши” ва “олдиндан кўриш” қобилиятида бўлиб, у шахсни ҳар томонлама психологик таҳлил қилишга, шунингдек, унинг хулқ-атворини, ҳаётини ва умуман бутун жамиятни ўрганишга имкон беради.

Бугунги кунда замонавий жамиятда руҳий саломатлик муаммоси долзарб кўринишни акс эттирмоқда. Шахснинг руҳий саломатлигига турли омилларнинг таъсири кўчайиб бормоқда. Шундай омиллар қаторидан жой олган дин ва диний эътиқоднинг шахс руҳий саломатлигига

Мундарижа / Содержание / Contents






Bizning yangilangan saytimizga tashrif buyuring

PSIXOLOGIYABUXDU.UZ

Saytimizda maqolalarni o'qishingiz va ularni elektron nusxasini yuklab olishingiz mumkin











PSIXOLOGIYA ilmiy jurnal Maxsus, 2-son (41) Buxoro – 2020. 142 b. **PSIXOLOGIYA** научный журнал. Спецальный выпуск 2. (41) Бухара – 2020. – 142 с.	Jurnal O`zbekiston psixologlarining BuxDU muassisligidagi nashri hisoblanadi. **Jurnalning nashr sifati uchun bosmaxona javobgar.** OBUNA INDEKSI 3062	Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Bosishga ruxsat etildi Qog`oz bichimi 60x84, 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shatrli bosma tabog`i - 15 Buyurtma №75. Adadi – 60 Bahosi kelishilgan narxda. “Sharq Buxoro” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro sh. M. Iqbol, 11-uy.


Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo`yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo`lgan ilmiy jurnallar ro`yxatiga kiritilgan.
ISSN 2181-5291
9 772181 529113 11